



---

**.Мактабгача таълим ёшидаги болаларда миллий ғуур ҳиссини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

**МТТДМҚТМОИ**

**катта ўқитувчisi Н.И.Эргашева**

**Особенности формирования чувства национальной гордости у детей дошкольного возраста**

**МТТДМҚТМОИ**

**старший преподаватель Н.И.Эргашева**

**Peculiarities of the formation of a sense of national pride in children of**

**preschool age**

**МТТДМҚТМОИ**

**senior teacher N.Ergasheva**

**Аннотация:** Миллий менталитет – бу моҳиятан муаян миллат ёки элат вакиллари ўртасидаги қарор топган ижтимоий алоқа ва улар ўртасидаги руҳий бирликнинг мавжудлиги ҳамда ҳар қандай вазиятда ўзаро бирдамликнинг сақланиб қолишини акс эттирувчи ҳолат.

**Калит сўзлар:** миллий ғуур, фахр, ифтихор, маънавий мерос, миллий менталитет, таълим, тарбия.

**Аннотация:** Национальный менталитет — это состояние, которое отражает наличие социальной связи и духовного единства между представителями определенной нации или народа и сохранение взаимной солидарности в любой ситуации.

**Ключевые слова:** национальная гордость, гордость, духовное наследие, национальный менталитет, образование, воспитание.

**Annotation:** A national mentality is a state that reflects the existence of a social connection and spiritual unity between the representatives of a particular nation or people, and the preservation of mutual solidarity in any situation.


**Keywords:** national pride, pride, spiritual heritage, national mentality, education, upbringing

Ҳар бир халқнинг ўзига хос ва ўзига мос менталитети мавжудлиги сабабли, ёш авлоднинг маънавий етукликка эришишида, аждодлари моддий маънавий меросига садоқат ҳиссини тарбиялашда ўша миллатнинг ва жамиятнинг менталитетига хос тарбия жараёнидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. МТТ катта ва тайёрлов гурӯҳ тарбияланувчиларига буюк сиймолар билан таништириш орқали миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга қаратилган билим ва қадриятлар уларнинг келгусида баркамол авлод сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра мазкур соҳани ривожлантириш ва такомиллаптириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида сифатли фаолият кўрсатишига қаратилган кенг қамровли ислоҳатлар ва қатор меъёрий-хукуқий ҳужжатлар, қонун ва давлат талаблари, дастурлар ишлаб чиқилди. Шунингдек мазкур соҳани хориж давлатларда орттирилган тажрибаларга таяниш ва бу борада қўлга киритилган ютуқ ва мувоффакиятлардан таълим-тарбия жараёнларида унумли фойдаланиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда

Тадқиқотишимизда мана шу камчиликларни ўрганиб уларни бартараф этишга йўналтирилган илмий-дидактик ва назарий-амалий ишлардан биридир.

Маълумки, мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама ривожлантирувчи кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ишлар Жанубий Корея мактабгача таълим тизими алоҳида аҳамият касб этади. Жанубий Корея мактабгача таълим ташкилотларида болалар уч ёшдан бошлаб, корейс ва инглиз тилларида ўқиш ва ёзишни ўрганадилар. Шу ёшдан бошлаб математика сир-асрорларини кашф қиласидилар. Корейслар болаларнинг жисмонан соғлом ва бақувватлигига, шунингдек, мусиқа сабоқларининг ўзлаштирилишига, нутқ равонлилига, миллий қадриятлар, миллийлик, ахлоқ-одоб қоидалари, экологик

тарбия ва минталитетга хос тарбия ўрганиш ва уларни қадрлашга алоҳида эътибор қаратадилар. Болаларда юқоридаги талабларни бажарилишини таъминлаш мақсадида мактабгача таълим бўғинидан бошлаб болаларга жуда ҳам катта ҳажмда уй вазифалари ва топшириқлар берилади. Тарбияланувчилар инглиз тили машғулотларида алоҳида сўз ва жумлаларни таржима қилишдан ташқари ўз фикр ва қарашларини содда ҳамда равон тилда ифодалашга ўргатиб борилади.



## **1-расм. Миллий ғуур ҳиссини шакллантириш тамойиллари.**

Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига кўйиладиган Давлат талаблари [9] асосида мактабгача таълим муассасалари “Илк қадам” Давлат ўқув дастурида [10] мактабгача таълим жараёнига компетенциявий ёндашув устуворлик қиласи. Дастурда бу ёшдаги болаларнинг қуидаги компетенцияларни эгаллашлари лозимлиги таъкидланган:

- коммуникатив компетенция;
- ўйинкомпетенцияси;
- ижодий компетенция;
- билишкомпетенцияси [10.6-9].

МТТ болалари ўз Ватанидан, шу миллатга мансублигидан, шу юрт фарзанди эканлигидан фахрланиш, ғуурланиш ҳислари, ҳамда шу эл-юртга муносиб фарзанд бўлишга интилиш истагини туғдиришга хизмат қиласиган, миллий меросимиз, фахримиз, ғууримиз бўлган буюк мутафаккир, алломалар Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Улугбек, Амир Темур, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Камолиддин Бехзод, Жалолиддин Мангуберди каби шахсларнинг ҳаёт йўли, ижоди, бола тарбияси инсон камолоти ҳақидаги Болаларнинг ёш хусусиятларига хос, миллий ғуур ҳисси, миллийлик ва умуминсоний қадриятларга ургу берадиган материалларини олиб кириш, асар қаҳрамонлари атрибутларидан фойдаланиб қўғирчок театри, стол театри, аудио ёзувлар, кичик видео роликларни ишлаб чиқиш айни муддао бўлар эди. Шу қунгача мактабгача таълим ташкилотларида миллий ғуур ҳиссини тарғиб қиласиган материалларни таҳлил қиласи эканмиз, буюк сиймолар ҳақидаги миллий ғуур ҳиссини тарбиялашга хизмат қиласиган мақол, афсона, халқ оғзаки ижоди, ривоят, эртак, маталларнинг саноқли эканлигининг гувоҳи бўлдик. Жумладан катта ва тайёрлов гурухлари учун ҳозирги кунда ишлаб чиқилган йиллик режада фақатгина февраль ойининг учинчи ҳафтасидагина, фақатгина Алишер Навоий ҳақида маълумот бўлиб, у ҳам миллий ғуур

хиссини тарғиб қилишдан анча йироқда. Бизнингча, МТТ катта ва тайёрлов гурухларида миллий ғуур ҳиссини тарбиялашга урғу берадиган буюк сиймолар ҳаёти акс этадиган материалларни қўшимча сифатида киритишимииз керак, ўз навбатида тарбияланучиларни миллий ва умуминсоний қадриятларимиз билан ёшлиқдан таништириб, дастлабки билимлар билан қуроллантироғимиз мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017. – 488 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
3. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари: 1 жилд Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 304 б.
4. Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия тўғрисида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –104 б.
5. Абу Али ибн Сино. Канон врачебной науки. Тошкент – 1985.–262.
6. Асқархўжаева М. Боғчаларда ўзбек тилини ўрганиш. Болалар боғчаси тарбиячилари учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи – 1994, 128 б.
7. Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
8. Азаров Ю.П. Оила педагогикаси.– Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – 272 б.

<b>№</b>	<b>Маълумотлар</b>
1.	Эргашева Наргиза Иброхимовна
2.	5 шўъба. Мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида инновацион технологияларни кўллашнинг ўзига хос жиҳатлари
3.	Болаларда миллий ғуур ҳиссини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари
4.	Катта ўқитувчи
5.	МТТДМҚТМОИ
6.	90)9279372
7.	ergasheva-78@mail.ru